

ИЛФОР ТРЕСТ

Тошкент шаҳар Фрунзе ошхоналар трестининг коллектив аҳдога хизмат кўрсатишда яхши натижаларга эришмоқда. Савдо ходимлари социалистик мусобақани кенг қўлоқ ёйдириб трестлар ўртасида бошланган мусобақадан пешқадамлик қилишмоқда. Коллектив иккинчи квартал натижаларига ўйинча Ўзбекистон ССР савдо Министрлиги, давлат савдо ва матбуот жамияти, кооперацияси республика касба Союзидаги комитетининг кўча Қизил байроғи билан мукофотланди.

Редакцияга келган хатлардан

Шу куннинг мавзусида

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР

ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ

ДАЛАДА етиштирилган сабзавот, картошка ҳамда ширин-шакар мева ва бошқа маҳсулотларнинг сифати кўп жиҳатдан дехқонга тааллуқли бўлса, уни истеъмолчига уринтирмай, янги ҳолида етказиб бериш — ташкилотимизнинг асосий вазифаси.

Шу кунгача пойтахт аҳолиси дастурхонига 7 минг ўрнига 8 минг тоннадан кўпроқ турли маҳсулотлар келтириб сотдик. Ходимларимизнинг совет-савдос тартиб-қоидаларига амал қилиб ишлашлари натижасида яхши кўрсаткичларга эришилди. Шу кунгача бажарган ишларимизни ўтган йилдагига таққослайдиган бўлсак, бу йил 1500 тоннадан кўпроқ маҳсулот реализация қилинганлиги кўради.

Авваллари сабзавот маҳсулотлари ўз вақтида сотилмай қолса, у тез бўзилиб, nobудгарчилига йўл қўйилар эди. Шу йилдан бошлаб системасида янги прогрессив усул қўллай бошладик. Эрталаб экспедиторларимиз дўконларга турли сабзавот маҳсулотларини тарқатиб чиқишди. Ушша маҳсулот кечгача дўкон пештахталарида турди. Аҳоли талаб қилган миқдорда реализация қилинади. Кечқурун экспедиторларимиз яна дўконларни айланиб чиқишди. Сотилмай қолган, тез бўзилган сабзавот маҳсулотлари, мевалар дўконлардан йиғилтириб олиниди ва қайта ишлаш корхоналарига топширилади. Эртасига маҳсулот найтариб олинган дўконларга ўша маҳсулотдан қанча лозим бўлса, ушанча миқдорда янгиси келтириб берилади. Шу кунгача савдода ўтмай қолган 60 тонна маҳсулот қайта ишлаш учун заводга топширилди. Бу янги усулдан ходимларимиз хурсанд, харидорлар мамнун. Дўкон пештахталарида сифатсиз маҳсулотлар кўринмайди.

Районимиз бўйича ҳар кун 111 тонна маҳсулот келтириб сотиш планлаштирилган. Илгори ходимларимиздан Юсуфов, Усмонов, Жўрабқов, Исмаилов, Иноятова, Хусанов, Зайниддинов, Ёшимов каби ўртоқларнинг гайрат билан ишашлари тугайли бу кўрсаткич 135 тоннани ташкил қилмоқда.

Бу йил «Ташплодоовош» бирлашмаси ва бошқа ташкилотлар 145 минг тонна маҳсулотни қиш ойларига аҳолига етказиб бериш учун гамлаб қўйишлари лозим. Ана шунча маҳсулотнинг 12 минг тоннасини сақлаш бизга юклатилган.

Савбавот тайёрлашда ҳар кун ҳил ишламоқда. Баъзи хўжаликлар ташкилотимиз билан тузган шартномаларни сидидилдан бажаришмоқда. Улар шартномада кўрсатилган маҳсулотларни ҳамма турлари бўйича бир меъёрга етказиб беришмоқда. Калининг районидagi Калинин номи, Собир Раҳимов номи, Охунбоев номи колхозлар шулар жумласидандир. Лекин 1-«Тошкент», «Ўзбекистон ССР 50 йилгига» совхозлари ўз сўзларининг устидан чиқишмайди. Агарда улар ҳам бошқа хўжаликлар каби шаҳар меҳнаткашларига маҳсулотни шартномада кўрсатилган турлар бўйича беришганда миқдорда етказиб беришса ишнинг янада яхшиланиши бўлар эди.

А.СОДИҚОВ,

Октябрь район чакана-савдо идорасининг директори.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛДИ

ГАЗЕТАНИНГ 4 июль сонидagi «Беморларга ғамхўрлик шуми?» сарлавҳали материалда Тошкент шаҳридаги айрим антекаларда эскириб, ўз кучини йўқотган дорилар сотилаётганлиги таъкид қилинган эди.

Маъмур мақолага Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри дорихоналар Бош бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Э. Жўраевдан жавоб олдик. Унда пойтахтдаги баъзи антекаларда ишлашнинг муддати тугаган дорихоналарнинг сотиш ҳоллари содир бўлганлиги тўғрисидаги газетда кўрсатилган таъкид қилар турли эканлиги айтилади. Халқ контроли комитетининг текшириш натижалари ва газетда босилган мақола Тошкент шаҳар ижроия комитети антекалар бошқармасида ҳамда антекалар Бош бошқармасида шаҳар ва област антекаларининг бошқармалари ишларида муҳофизат этилган.

Камчиликларни тугатиш ва шаҳар аҳолисининг турли дорихоналар билан таъминлашни яхшилаш тадбирлари белгиланган.

Шаҳар антекалар бошқармаси 2-антеканинг бошлиғи Н. Агаамовга ҳамда 362-антека бошлиғи А. Султоновга фойдаланиш муддати тугаган дориларни сотишга йўл қўйганлиги учун ғайриқонуний ҳисобланган.

Антекаларда сотилаётган дориларнинг сифатли бўлишини таъминлаш учун назорат кучайтирилган.



♦ БУСТОНЛИК районидagi 14-

«Хўжалик» совхозининг Б. Йўлдошев бошлиқ бригада соҳибдорлари шаҳар меҳнаткашларига кўплаб ширин-шакар мева, узум етказиб бермоқдалар. Ҳозир бригада боғларида узум узми ишларни қизғин олиб боришмоқда. Суратда: кўпикли вазиқларнинг 1,5—2 баравар ошириб бажариётган ишчилардан 3. Эртеева ва С. Эгамназаровлар.

А. Эгамназаров фотоси.

ПАРТИЯ комитетининг шинаматига хонаси.

Кун чиқар томонга қараган дераза олдида баланд бўйли бир йигит кўм-кўк кир-адрагларга завқланиб боради. Кутаётган киши келавермади чоғи, ташқарини айланиб келмоқчи бўлиб, икки-уч қадам ташлаган ҳам эдики, эшик очилди, хонага шовилганча Тоҳир ака кириб келди.

— Каримжон, сени ҳам роса кўтириб қўйдими? Директор чакиртирган экан. Яна нингизинг масаласини таъкид... Ҳўш, ўзинг қандай қарорга келдинг, ишдан бўшашга қатъий қарор бердингми? Қадрдон коллективимизни ташлаб кетишга қўлинг қиймайтими?

Каримжон бошини қуйи олганча, ерга қаради, сўнг айбдор одамлардек сўзлай бошлади:

— Ишхона узоклик қилаётти, Тоҳир ака. Буни устига автобуснинг эски. Бир кун ишлаб келсам, икки кун қора мойга беланиб, ремонт қиламан. Жуда жонга теги.

— Нега энди узоклик қилар экан? — деди Тоҳир ака унингдан туриб. — Навбатчи автобус унингдан олиб келса, ишдан кейин эшикнингча олиб бориб қўйса. Шунинг доимо эсинда тут, деразга бир ерда кўрадики. Автобус масаласида ташвишланма, кейинги кўрадики янгисини беришди. Келгачи мақсадда шу қарорга келдик.

Каримжон бу хушхабарни эшитган, ўзида йўқ қувониб кетди. Тоҳир аканинг ҳавлида Каримжон сингари шоферлик гувоҳномасини олиб, дастлаб шу корхонага ишга келган кўнлар газдаланди.

1955 йил. Шоферликка шўндек

Тоҳир акага тинчлик бермасди. Шу мақсадда у Тошкентдаги шоферлар тайёрлаш мактабининг уч ойлик курсига ўқишга кирди. Курсни муваффақиятли битириб, учинчи класс шоферлик гувоҳномаси билан Чирчик шаҳридаги автобазга ишга келди.

Ойла ҳам қувонча тўлди: бир ёқдан ўғли ишга кирганидан оғина,

тобус ҳайдайди. Мен Тоҳир акани кўнра автобус рулида кўраман. У гоҳ Чирчик шаҳридан, гоҳ Тошкентдан автобус тўла йўловчилар билан келаётган бўлади.

Биринчи класс шофери, Чирчик шаҳар Советининг депутаты, коммунист Тоҳир ака Пулатов меҳрибон ва самимий устоз ҳамдир. У ўз

номига ҳам кўплаб шундай хатлар олганмиз.

«Хўрматли парк директори! Биз Қибрай қишлоғида истиқомат қилувчилар — Тошкент тўқимачилик институтининг аспиранти Ҳамзаев, Ўзбек давлат филармониясининг солисти Солихонновлар Чирчик таксимотор паркиннинг шофери Тоҳир Пулатовга самимий ташаккуримизни йўллаймиз. Тоҳир аканинг хушмуомалалиги, графика қатъий риоя қилиб ишлаш мактавга сазовордир. Сиздан илтимосимиз шуки, ушбу минималдорчилик мактабимизни шафрати касб-чегаси Тоҳир ака Пулатовга етказилсин!»

Тоҳиржон Чирчик шаҳар таксимотор паркиннинг «Чирчик» — Тошкент маршрутда бригадир бўлиб ҳам ишлайди. У ҳаммага мубрат.

Тоҳир Пулатов 1974 йилда Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан таъкирланди. Социалистик мукобаса голиби бўлди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди...

— Бир касбда 20 йил ишладим, — дейди у. — Шу вақт ичиде у ҳар кун 350 километрдан, айрим кўнлар, гаражда навбатчилик графика турли келган вақтларда 420 километрча кўл босдим.

Агар Тоҳир Пулатовнинг бутун юрган масофасини жамласак, бир миллион километрдан ортиб кетибди. Еки бошқача қилиб айтсак, у ана шу давр ичиде 2 миллионга яқин кўнларини ўз маънавияти элиб қўйган.

Ш. ТЕШАБОВ,

Тошкент Давлат университетининг ходими.

РУЛДА МИЛЛИОНЕР ШОФЕР

ТУРАИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Касбин сидидилдан севган кўплаб шоғирлар етиштирд. Абдукарим Аҳмедов, Режаб Насиетов каби сервайрат шоферлар ўз устозларини хаммиса ҳурмат билан эъзозлайдилар.

Тоҳир Пулатов 1961 йилдан бошлаб корхонамизда самарали меҳнат қилиб келмоқда, — дейди Чирчик автобус таксимотор паркиннинг директори Д. Л. Воронин. — У коллективимизда ҳурмат қозонди.

Актив жамоатчи, плавни доимо ошириб бажариб келмоқда. Шоферларимизнинг яхши хизматлари тугайли кўнлардан ташаккур хатларини келиб туради. Жумладан, Тоҳиржон

КИТОБ БОЗОРЛАРИ

Область китоб савдоси бошқармаси пойтахтимизнинг сарғавжум майдонларида китоб бозорлари ташкил этди. Янги ўқув йили учун зарур бўлган барча жиҳозлар, канцелярия буюмлари, дафтар-китоблар бозор дўконларига чиқарилапти. Улар орасида ўқувчилар учун формалар, пойфаллар ва портфеллар ҳам бор. Китоб бозорлари ва ярмаркалар 5 сентябрга оқиб бўлади.

М. ЗИКИРОВ.

ЧОРА КЎРИЛДИ-Ю АММО...

КАЛИНИН районидagi Келес посёлкасида ўтган йили 140 ўғилли болалар ботчаси фойдаланишга топширилди. Ботчада мудирлик вазифасини Лола Бозорова эгаллади. Лекин, кўп ўтмай унинг кирдиқорлари шу ботчада тарбия олаётган болаларнинг ота-оналарига, шу ерда ишлаётган кишиларга сезилиб қолди.

ДАСТАЛАБ, улар бу лигининг Калинин райони бўйича ревизор контроллери ўртоқ А. Токибоевдан илтимос қилди. Текшириш натижалари яқинлашганда Л. Бозорованинг йўл қўйган камчиликларини, молжавий интизомни бузганлиги, болалар ботчаси ҳўжалик фаолиятига яхши чек қўйишда ёрдам беришнинг илтимос қилишди.

Бу — масаланинг биринчи томони, холос. Иккинчи, ҳал бўлмаган томони шунданки, ботчада фойдаланишга топширилмасдан туриб, Л. Бозорова буйруқсиз бир неча кишини ишга қабул қилган. Оқибатда улар икки-уч ой ишлаб меҳнатларига ҳақ олишмаган. Текшириш натижасида Бобоев, Научаева, Шатиева, Сўфихонова, Хожиева, Эрташева сингари шахсларга уларни ишга олиш ҳақидagi буйруқнинг йўқлиги, ведомость билан пул тўламаганлиги айтилади.

Тўғри, улар буйруқ билан расмийлаштирилмаган бўлса ҳам икки-уч ойдан ишлашган, ҳақларини кимдан олишлари керак. Бу жумбоқни ҳал қилишда Калинин районидаги тегишли ташкилотлар ёрдам беришса ажаб эмас...

♦ ҚИШЛОҚ оқшони нақадар сўлим ва дилрабо. Қишлоқларимизнинг кундан-кунга ободонлашиб бораётгани. Илбик мўри ва газ билан таъминланаётгани, қишлоқлар марказида маданий-маиший бинолар қад кўтарётгани сўлим қишлоқ оқшомини янада фусункор этмоқда. Бу ҳол қишлоқ чиройига чирой қўшибгина қолмасдан, меҳнаткашларнинг маданий дам олишлари ва ҳордиқ чиқаришлари учун қўлайлик туғдирмоқда. Г. Пун ана шундай обод қишлоқлардан бири Қўй Чирчик район Димитров номи колхоз маданият уйи олдидаги меҳнаткашлар кечки сайлини суратга олиб қайтди. Суратда: ана шу қишлоқ оқшомини.

турсини, кунини қандай ўтганини ҳам сезмай қоласан, киши.

Еш илбик ҳам бу олий фаъалатли устоз меҳридан баҳраманд бўлди. Кунлар ўтди. Шу вақт давомида Абдусамат ака деталларни қандай улаш, уларнинг қандай қўлланилишини қабил бир қатор меҳнат сирларини ўз шогирдига ўргатди. Мана шу ишдан энди ҳамма хурсанд эди. Чунки, коллектив сафига яна бир таърибали ишчи келиб қўшилди.

— Қўнғил қолдиргандан кўра қўнғил олган яхши, Чунки, биронининг қўнғилини раҳматсанг, ўз қалбнигиз ҳам жаро

ҳатлагандек бўлиб қоласан, киши, — дейди А. Фармонов.

Ҳозир «Гавташхонстрой»га қарашли 153 трест, 31-қурилиш бошқармасининг Анатолий Бонисеко бошлиқ бригадасида қорамай-тодмай меҳнат қилаётган А. Фармонов пенсдаамлар сафидан урин олган. Қўнғил топшириқларини 2—3 ҳиссадан ада етаетган ушбу ширини сўз соҳиб коллектив фахри бўлиб келмоқда.

Ана шунинг айтидлар-да, илбик муомалада, ўзаро ҳурмат-да, ишонча гап кўп!

З. ИСМАТУЛЛАЕВ, қурувчи.

БЕТГА АЙТГАННИНГ ЗАҲРИ ЙУҚ

ҒАМХЎРЛИК ШУМИ?

ХЎРМАТЛИ РЕДАКЦИЯ! Октябрь революцияси номи тепловоз вагон-ремонт заводи пойтахтимиздаги энг кеска корхоналардан бири ҳисобланади. Йилда заводимизнинг ишга тушганга 75 йил тўлганлиги тантанали вазиетда нишонланади.

Бу завод ўзининг бой тарихи ва меҳнатсевар коллектив, машҳур кишилари билан фахрланади. Лекин, ана шу корхонада меҳнат қилаётган кўп минг кишилик коллективга хизмат кўрсатувчи ошхонамиздаги аҳвол барчани ракинэтибди. Бу ерда узоқ набат кўтиб, тушлик дам олиш вақтимиз озе кетади. Ҳаммамизнинг асабимиз бузилади. Чойхонанинг оза номи бор-у, ўзи йўқ.

Ошхонанинг бош ошпази Аҳмаджон Ҳафизов таомлар сифатини яхшилашга, уларнинг турини кўнайитишга янги йўлларни берибди. Ез ўтиб боришга қарамай, ошхонага бирор марта ҳам қовун-тарвуз келтирилмади.

ОРС директори Борис Бобоев ҳам ошхонадаги тартибсизлигини тугатиш, оқатлар хиллини кўнайитиш, сифатини яхшилаш, чойхона ишларини яхши йўлга қўйиш ҳақида мутлақо қайғурмайдди. Биз ишчилар бу аҳвол қачонгача давом этишини билмай, ҳайронмиз.

М. МИРОДИЛОВ,

пулат кўзов цехининг ишчиси.

АЙБ КИМДА?

БИЗНИНГ қишлоғимиз Калинин районидagi «Партия XXI съезди» совхозида жойлашган. Хонобод қишлоғидagi алоқа бўлими бизга хизмат кўрсатади. Отам билан онам шу совхозда меҳнат қилишди. Улар ишдан бўш вақтларда ўқиб, турли лигаликлардан мўнтаза хабардор бўлиш, қишлоқ ҳўжалигида қўлга киритаётган илгори таърибларини ўрганиб бориш учун турли газетга ва журналларга обуна бўлишган.

КИЗИНИ шу ердани газетга ва журнал келтирилган алоқа бўлими ходимларининг йўлга кўн ора уч кунда бир келишди. Шунда ҳам ўша кун чиққан газетани бериб, ўртада бир ёки икки номерни насия қилишди.

Отамлар «Ўзбекистон агитатори» журналини йил бошидан бери биронта номерини олганлари йўқ. Бундай бўлишга сабаб нима. Айб алоқа бўлими ходимлариданми ёки кўнлаб газетга ва журналларга обуна бўлиб, уларга иш қўнайитган отам ва онамларданми? Шунинг билмоқчи эдим.

Н. ЮНУСОВ,

районидagi «Партия XXI съезди» совхоз.

ДАМОЛИШ ЖОЙИМИ, ЁКИ...

ҲАР бир одам бўш пайтини қўнғили ўтказишни истайди. Биров сайрга, бошқа киши эса театр ёки кинога боради. Шундай экан, қўнғил очадиган жой киши дидига мос бўлмоғи керак.

ПИСКЕНТ шаҳри марказидаги «Ўзбекистон ССР 40 йилгига» кинотеатрига кишилар ҳордиқ чиқариш учун келишди-ю, аммо диллари хира бўлади.

Янгида бу кинотеатрда кишилар йнги фильм намоиши қилинди. Бирок, фильмнинг биринчи қисми тўғридан-тўғри, зал аччиқ турганга ўхшайди, чунки напашдалар залда бекарот панирос тутатиб, кинотеатр ходимларининг улар билан иши йўқ. Шунинг кишини, район кинолаштрини идорасининг директори ўртоқ Ж. Шерфетдинов маъмур залга фильм намоиши қилинаётган пайтда бир неча марта қиради. Негадир «мириқиб» чекниб ўтирганларга инда-манди. Тошобани қўнғилдан, план баъзириятганда хотирам бўлади-ю, аммо тамошобинлар оромини бузилаётгани билан қизиқмайди.

Э. ХАВИБАЛИЕВ,

«Меҳнат байроғи» район газетасининг ходими.

ЯХШИ ХИСЛАТ-ҒУЗАЛ ФАЗИЛАТ

БИР ОҒИЗ ШИРИН СЎЗ

«ЯХШИ ГАП — жон озуғи», дейди халқимиз. Яхши билан суҳбатлашсанг, қўнғили кўтарилди, димонинг чоғ бўлади. Айтилган сўзларнинг мазмунини, ўта мувофиқлигини ўзининг баътиёр сезсанг, киши! Ҳа, бир оғиз ширин сўзга нима етсин!

Абдусамат ака Фармонов дейишди уни. У ҳаммиса хушчақчақ, каттами-кичкин — барчага доим баробар. Шу босида ҳам унинг номини ҳамма хурмат билан тилага олади.

Абдусамат аканинг ўз шогирдлари билан муомаласини кўриб, ҳавасинг келади. Адаббат, янги келган ҳар қандай

шогирд дастлаб ишга киришиб кетолмай, қийналади. Таърибасизлиги қилиб, камчиликларга йўл қўлади. Шундай бир пайтда: «Бу ер сенга уйинчоқ эмас. Бунинг қўнғили, дейишди. Чидаланган чинарган...» қабилда муомалада бўлини борми, дард устига чиқиб бўлади. Шогирд ишчи ичинтириб, жуфтаниб

уриб қилиши ҳам ҳеч гап эмас. Яхши одам шогирдга бундай муомалада бўлмайди. Абдусамат ака нини «юриммай», иккилаб қолган қўнғилига шогирдини кўрган. Етгани билан тушунириб, қўнғилини кўтарган. Улар Абдусамат акага сўзлаш қилишган. Таърибали ишчининг қўнғил хиргойиллари, гоҳ-гоҳида «Чарчамадингми? Бироз нафасингизни ростлаб ола» деган қўнғили сўзлари шогирдлар қалбига меҳр уйғотган. Меҳнатга, касбга бўлган меҳр-муҳаббатни яна ҳам орттирган. Шундай меҳрибон устоз билан бирга бўлганда чарчаш у ёқда

турсини, кунини қандай ўтганини ҳам сезмай қоласан, киши. Еш илбик ҳам бу олий фаъалатли устоз меҳридан баҳраманд бўлди. Кунлар ўтди. Шу вақт давомида Абдусамат ака деталларни қандай улаш, уларнинг қандай қўлланилишини қабил бир қатор меҳнат сирларини ўз шогирдига ўргатди. Мана шу ишдан энди ҳамма хурсанд эди. Чунки, коллектив сафига яна бир таърибали ишчи келиб қўшилди.

— Қўнғил қолдиргандан кўра қўнғил олган яхши, Чунки, биронининг қўнғилини раҳматсанг, ўз қалбнигиз ҳам жаро

ЯНГЛИШАРКАН ДОНО ҲАМ

Янглишаркан доно ҳам дономан, деса,
Узин ягона санаб танхонан, деса,
Жамолнинг мақтадим газалларинда,
Ва ишондим, бу ақлим — расоман, деса.
Хусидамас ақлда ҳам устун экансан,
Ақлинг ҳақ: теранликда дарёман, деса,
Фақат-фақат чиройинг мафтун бўлгач,
Арайди ҳар сўзимки, хатоман, деса.
Шоирлигим бекордир, оқлагинам,
Ширин тилларинг ҳақдир бурроман, деса,
Донотнам, Юсуфнинг гуноҳин кечир, —
Аммо ишон ниҳонингда фидоман, деса.

Юсуф ШОМАНСУР.

ҚИШЛОҚ ҚИЗЛАРИ

Тонг билан бир-бирини чақириб жадал,
Далага йўл олар қишлоқ қизлари.
Янги ўй, режадан тап кетар аввал,
Дида шуҳ ёшлиқнинг тошқин қислари.

Беминнат кўчининг қурлари тўқини,
Ғўзалар нур эмиб, кутади фурсат.
Кўзини қувонтирар пахтазор кўрки,
Дилларини адаллар меҳнат, муҳаббат.

Пайкал бошларида оқ бадан терак,
Кетмон тилларида ялтирар шуъла,
Япроқлар жўр бўлиб чалади чапак,
Қизлар завққа тўлиб айтар ашула.
Улар тин олмагай кечгача ишлаб,
Қош-қиприқларда тулпоқ гардларини,
Қизларини, кўшини, ерин олқийлаб,
Тинмай шовуллайди терак барглари.

Зебо РАҲИМОВА.

СУҲБАТИНГИЗ

Насиб этди тингламоқ, устоз, суҳбатингизни,
Ақлу қарамда тенгсиз ва соз суҳбатингизни,
Бегубор қалбнингга қўнганми оташ кўзини,
Бир умр қўнглим қилсин, эъзоз суҳбатингизни.

Мен дунёни қайтадан айландим бунди тўғи,
Очилиб кетди қанча берк эшиклар мен учун.
Чирой очди кўзимда дала, шаҳар, қир, самю,
Бир суҳбат англатарди нисон қўдратини, кучини.

Хайта шаҳрим ошди сиз доно бисот очат,
Мен баҳраманд шод эди — ошқанга бир шалола.
Зехимга нур ёлғиз — кўш ёқдусини соғат,
Дув ёлғиз қалбига зами, сурур-ла бир йўла.

Бир суҳбатда шунча қудрат, ақл, тафаккур бўлса,
Сарҳадсиз қалб ирғида дунё тор келса керак.
Денгиллар тошқинига монанд бу қалб тугёни,
Тошқин-тошқини яшайдан хузулда экан юрак.

Бугунларини тарқатиб чарақлаган самодий,
Дур-жавохир тубида сокин оққан дарёдай,
Нурга ташна бу оламга кўш бирдек ёққандай,
Кўзим қамашиб қолди нурга тикка боққандай.

Бир суҳбатингиз қудрати шунчалар бўлса, бирок
Бунча ақл ендирган қалб ўзи асли қандоқ?

Муҳаббат ТУРБОВА.

ГҮЛЛАР...

Т. Маҳмадов фотоэюдлари.

БУЛБУЛЛАР БАЗМИ

Юриб чарчаган эканмиз, шекли,
Кечки овқатни еб, Дехон
ота боғдаги олмаар тағига солиб
борган ўринга қўйилдик. Чор а-
рофдан кишига роҳат бади ту-
рибди. Сал нарироқда, боғ эгаси-
да эса тошдан-тошга урилиб шўх
тоғ жилғаси — Шовғозсой шовул-
лаб оқмоқда.

Кўш ҳам ўз қароргоҳига йўл
олган. Кун ботар тараф қириниш
тўсди. Тоғларда оқшом-қиз бош-
лади. Чарчоқдан эҳтиётча кўзи-
миз илгинган ҳам эди, дарё бўйи-
даги баланд дарахтдан бир кўш-
нинг ховини эшитилди. Биз
чарчоқни ҳам унутиб унинг
ёқили овозини тингилар бошладик.
Дехон буна ҳам туриб
ўтирганимизни сезди-да, олдимиз-
га яқин келди.

— Ҳа, ухлай олмайсизми! —
деб гап бошлади у. — Жонивор
хўп сайраётмики! Ботмишда бу-



бул ни кўйган. Ҳар оқшом мана
шунча, булбуллар базмига маҳ-
ли бўлиб ўтирармиз.
Отанинг гапларини тасдиқла-
гандек, боғи сайраётган булбул-
нинг ёнга бошқалари ҳам кў-
шилди. Бу жазони қушларнинг
кучли, шу билан бирга нафосатга

тўла сайроғи кишининг ҳаёллари-
ни аллақайларга олиб кетар эди.
Биз аниқчага булбуллар базмин
тинглаб ўтирдик.

Нонушта пайтида Дехон ота
боғида ни кўйган булбуллар ҳақи-
да гапириб берди. Дастлаб у ер-
га бир жуфт булбул учиб келган
экан. Кейинги йил эса ўзлари би-
лан янги-янги ҳамроҳларини олиб
келишпти...

Булбул юввош, одамларга тез
ўрганадиган қуш. Лекин, булбул-
ни тутқилишда асраб бўлмай-
ди. Аввало у кафеда узоқ яша-
майди, кафедаги булбул билан
эркинликдаги булбулнинг сайроғи
ўртасида катта фарқ бор.

— Ана! — Дехон ота қўли
билан дархатнинг энг учига ўтир-
ган чумчуқдан сал каттароқ кул-
ранг қушчини кўрсатди. — Кеча
оқшом ҳаёлингизни ўнгирлаган
қуш шу бўлди.

Кўриниши серакин юзиде илқ
табассум пайдо бўлди. Биз эса
шоҳдан-шоҳга сарвайган булбул-
га қараб қолдик. Ким бўлди,
балки, шерикларим ҳам шу тоғда
жазонишга қўшчага мафтункор
овоз берган табиятга лол қолиш-
гандир.

В. УРИЦКИЙ.

МАЛИНАДА ҲИҚМАТ КҮП

ноатда ҳозир бу ўсимлик меваси-
дан кўп ва микдорда лимонад
ва вино тайёрланмоқда.


Халқ бунчалик эъзозловчи ма-
линада шифобахш хусусиятлар
қаердан пайдо бўлган! Унинг тар-
кибда кўп микдорда қанд, кис-
лота, киши организмни учун зарур
витаминов, микроэлемент ва ми-
нерал тузлар мавжуд. Таркибда-
ги бу шифобахш моддалар мали-
нанинг халқ медицинасида қўлла-
нилишига олиб келган.

Юқорида айтилганидек, мали-
на жуда тез ўсадиган ўсимлик.
Унинг эканида тулпар оралиғи 60—
70 сантиметр, бўлиши керак.

Ҳар туп малинада 3—4 дондан
кўртак қолдириб 12—15 сан-
тиметр баландроқдан кесиб таш-
ланади. Баҳорда эса қурган по-
яли олиб ташланади. Қолган
вегетатива новдалар сўриларга
бойланади.

Малинага тез-тез сув бериб ту-
риш керак. Уни бир мавсумда
17—18 мартагача сугориш мақса-
да мувофиқдир. Ана шунда ўси-
млик ўзини яхши тўтиб олади. Ҳо-
сини йиғиштириб олиш вақтида
кўпроқ эрталаб терган маъқул.
Шунда у янги ўзлағандек бўлиб
тураверади.

М. ТУЙЧИЕВ.

ХАЛҚАРО
ТУРНИРДА

Милан шаҳрида старт олган
шахматчиларнинг халқаро тур-
нирда дастлабки партия ўй-
нади. Унда СССР вакиллари
Анатолий Карпов ва Тигран
Петросян учрашди. Ҳар ик-
кала томон ҳам эҳтиёткорлик
билан ўйнаб, 20-юртида узаро
дуранига рози бўлишди. Уша
куни Михаил Таднин омади
келмади. У ГФР шахматчиси
В. Уиндигерга ютказиб қўйди.
Югославия шахматчиси Л. Лю-
босевич эса швед гроссмейстери
У. Андерссонга мағлубиятга уч-
ради. Қолган партиялар не-
чиктирилди.

ЯНГИ ЖАҲОН
РЕКОРДИ

Цюрих шаҳрида ўтаётган ен-
гил атлетикачиларнинг халқаро

мусобақасида СССР спортчиси
Фанна Мельник ажойиб му-
ваффақиятини қўлга киритди. У
дискни 70 метр 20 сантиметр-
га улоқтириб, янги жаҳон ре-
корди ўрнатди.

Ўтган йилнинг май ойида
бўлиб ўтган енгил атлетикачи-
лар баҳсида ҳам ватандошмиз
Фанна дискни 69 метр 90 сан-
тиметрга улоқтириб, ҳамма-
ни қўйла қолдирган эди. Мана эн-
ди моҳир спортчининг ўзи ўша
рекордини янгиллади. Спортчи-
лар ва иштирокчилар Фанна
Мельникни янги муваффақияти
билан самимий қутладилар.

КУБОК ЭГАСИ

«Оққўрғон» совхози футбол-
чилари қуни кеча Хива шаҳри-
дан қайтиб келдилар. У ерда

«Оқ олтин» кубоғи учун мусо-
бақалар бўлиб ўтди. Учрашув-
ларда Тошкент, Жиззах, Са-
марқанд, Хоразм, Андижон ва
Фарғона командалари ўзаро
куч синашдилар.

Оққўрғон футболчилари мусо-
бақаларда барча рақиблирини
орта қолдириб, финалда Са-
марқанд области вакиллари
билан учрашдилар. Учрашув
кескин спорт кураши билан ўт-
ди. Оққўрғонлик футболчилар
бор маҳоратларини ишга солиб,
5:3 ҳисобида ғалаба қозонди-
лар ва кубокни қўлга киритди-
лар. Областикизи вакиллари-
нинг бу муваффақияти барчани
қувонтирмоқда.

Редактор

А. ИСМОИЛОВ.

ТОШКЕНТ
ҲАҚИКАТИ

(ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА)
Орган Ташкентского
обкома КП Узбекистана
и областного Совета
депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, №26. ТЕЛЕФОНЛАР

коммутатор — 330245 даи
330258 гача
Эълонлар — 338142.

Реклама ва Эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

ЎРТА ОСИЕ ТЕМИР ЙЎЛ ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ БАЗАСИГА ҚАРАШЛИ

84-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1975—76 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Егоч ўймакорлиги, ганч наққошлари, слесарь-сантех-
никлар, бўёқчилар, дуратор мебельчилар, темирйўл мет-
ро монтерлари, газ-электропайвандчилар, сувоқчилар
(ўқш муддати — 3 йил).

Монтажчилар—арматурачи- пайвандчилар, дуратор-
лар, гишт терувчилар, сувоқчилар (ўқш муддати —
бир йил).

БИЛИМ ЮРТИДА ЎҚИШ ДАВРИ ЎЗЛУКСИЗ ИШ
СТАЖИГА КИРИТИЛАДИ. Билим юртига тугатган
ёшлар темир йўл транспортдан имтиёзли фойдаланиш
ҳуқуқига эга бўладилар.


БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР ТОШКЕНТ
ШАҲРИДА ВА ЎРТА ОСИЕ ТЕРРИТОРИЯСИДА
ҲАМ ИШЛАШЛАРИ МУМКИН.
МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА
ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқш даврида ўқувчиларга уч маҳал иссиқ овқат,

Хужжатлар 31 августгача қабул қилинади.

Ўқшга кирувчилар қуйидаги
хужжатларни топиришлари ке-
рак: директор номига ёзилган
ариза, таржиман ҳоли, туғилган-
лиги ҳақидаги гувоҳнома ёни
паспорт, маълумоти ҳақида ат-
тестат, турар жойидан справка,
5 та 3х4 см. ҳажмдаги фотосу-
рат, соғлиги тўғрисида справка
(286-форма), характеристика.

Билим юрти адреси: Тошкент
шаҳар, Ҳамза райони. Словий
кўчаси, 84-ўй (15, 23, 26-авто-
бустлар ва 15-маршрут таксининг
«СТО заводи» ёни «Иззат», 8, 21,
48-автобустлар, 3, 23-трамвайлар-
нинг «Котельная» бекатлари. Те-
лефон: 96-17-61.



кийим-боши, бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона, шу-
нингдек иш ҳақининг 3 проценти берилади.

Билим юртига тугатганлар техникум ва институтлар-
нинг кечки ва сиртки бўлимларига имтиёзли равишда
(конкурсдан ташқари) кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Машгулотлар 1 сентябрдан бошланади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БҮГҮН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00—
МОСКВА, 15.05 — «Оқ флюгер»
(бадий фильм). 18.00 — ТОШ-
КЕНТ, 18.05 — «Намалар» про-
граммиси. 18.40 — «ЕШЛИК» сту-
дийас кўрсатади. 19.10 — «АХБО-
РОТ». 19.25 — «Оламга саёхат».
20.15 — Шерият мухлисларига.
20.30 — «Ўзбекистон қовулари».
21.00 — «АХБОРОТ». 21.20 —
Эриранда — Андижон области (те-
лефестиваль). 22.00 — «ВАҚТ». 22.30
— Концерт. 23.20 — Ширк програм-
маси. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55
— ТОШКЕНТ, 10.00 — Англичилар.
10.10 — Мультифильм. 10.20 — Теле-
визия миниатюралар театри.

11.00 — «Уғилбола гап» (бадий
фильм). 12.30 — Спорт кўрсатуви.
18.00 — МОСКВА. «Хайвонот ола-
мида». 19.00 — Янгиликлар. 19.15
— Мультифильм. 19.35 — «Мюзик»
хондаги оқшом. «Экран ортита».
(Чарли Чеплин иштирокдаги
фильмлар). 20.10 — «1975 йил
қўнғилари». 20.35 — Телеспек-
таш. 22.00 — Хужжатли фильм-
лар экран. (Тошкент). 22.30 —
«Рақнинг турлини» (теле-
фильм). 23.55 — Теннис. Халқаро
турнир финали. УЧИНЧИ ПРО-
ГРАММА. 18.00 — ДУШАНБА КҮР-
САТУВЛАРИ.

24 август, яшанба

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 —
МОСКВА, 14.30 — «Учовдон» (ба-
дий фильм). 16.40—3. Мелелай-
тис. Лирин этюдлар. 17.30 — Те-
лефильм. 18.00 — ТОШКЕНТ, 18.05
— «Намалар» программиси. 18.35

КИЧИК РАДИОПРИЕМНИКНИНГ —
КАТТА ИМКОНИЯТЛАРИ!


ОРБИТА СЕЛГА-404



«СЕЛГА-404» кўчма ТРАНЗИСТОРЛИ ПРИЕМНИГИ
ОЛДИНГИ МОДЕЛЛАРДАН ТОҚ МАНБАВ ҲАЖМИ-
НИНГ КўПАЙТИРИЛГАНЛИГИ, КҮЧЛИ ТОВУШГА ЭҒА-
ЛИГИ ВА ЗАМОНАВИЙ, ЧИРОЙЛИ КҮРНИШИ БИЛАН
АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

«СЕЛГА-404» РАДИОПРИЕМНИГИ «316» 6 ЭЛЕМЕН-
ТИДА, «КРОН» БАТАРЕИДА ЕКИ 7Д—01 АККУМУЛИ-
ТОРИДА ИШЛАЙДИ.

ЕНГИЛ ВА КОМПАКТЛИ БЎЛГАН «СЕЛГА-404» РА-
ДИОПРИЕМНИГИ ДОИМО СИЗГА ҲАМРОҲ БЎЛАОЛАДИ.

ЦКРО «ОРБИТА»
«ТЕЛЕПРЕССТОРРЕКЛАМА».

Театр

ҲАМЗА НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ
АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —
23, 24/VIII да Курмайин босдим
тиқонини.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Эй, бахтли инсон! — «ҚОЗОҒИС-
ТОН» (12.00, 13.00, 16.00, 17.00,
20.00), САНҒАТ САРОПИ, «ЧАЙ-
КА», КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ,
«МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ
СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кун-
дуз ва кечурун).

Ҳақиқатлар — «ҚОЗОҒИС-
ТОН» (11.00, 15.00, 19.00, 21.00).
Исмининг ёнида тут — «ЎЗ-
БЕКИСТОН» (кундуз ва кечурун).
Муҳаббат садоси — «НУКУС»,
НАВОЙИ НОМИ (кундуз ва кечу-
рун).
Яқин қол, Мануэл! — «ВОС-
ТОК» (кундуз ва кечурун).

„ЎЗБЕКИСТОН“ РЕСТОРАНИ

МУАССАСАЛАРДАН ВА ГРАЖДАНЛАРДАН
ТАНТАНАЛИ КЕЧАЛАР, ТУҒИЛГАН КҮНЛАР ВА
ТУҒИЛАРИНИ ЎТКАЗИШ УЧУН

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

РЕСТОРАНДА КЕНГ АССОРТИМЕНТДА МИЛЛИЙ ВА
БОШҚА ТУРЛИ ХИЛ ОВҚАТЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ.
«ЎЗБЕКИСТОН» РЕСТОРАНИГА МАРҲАМАТ
ҚИЛИНГ!

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника
таълими бўйича давлат комитетининг
Тошкентдаги 2-пояфзал фабрикаси қошида янги ташкил
қилинган

149-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1975—1976 ўқув йилига
ПИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртида қуйидаги ихтисослар бўйича малакали му-
тахассислар тайёрланади: БИЧҲАЧИ, ПОИАФЗАЛ УСТИНИ
ТАЙЁРЛОВЧИ, ПОИАФЗАЛ ФРЕЗЕРЧИСИ, ҚОЛИПЛОВ-
ЧИ, ҚОҚУВЧИ, ЯРИМ ФАБРИКАТ ВА ТАЙЁР ПОИАФ-
ЗАЛЛАР КОНТРОЛЕРИ, УСҚУНАЛАРГА ХИЗМАТ КЎР-
САТИШ БЎЙИЧА РЕМОНТЧИ-СЛЕСАРЬ, ЭЛЕКТРИК.

ЎҚИШ МУДДАТИ — БИР ВА ИККИ ЙИЛ.
ЎҚИШЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига 15 ва ундан катта ёшдаги 8—9—10 синф
ҳажмида маълумоти бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.
Билим юртига тугатганлар Тошкент шаҳридаги 2-пояфзал
фабрикасида ишлайдилар.

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.
Билим юртига қабул қилинганлар тўла давлат таъминотида
бўладилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги хужжатларни топи-
ришлари лозим: директор номига ёзилган ариза, маълумоти,
туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ва паспорт, турар жойидан,
саломатлиги ҳақида (286-форма) справкалар, ўқш ёни иш
жойидан характеристика.

Хужжатлар 2-пояфзал фабрикасининг биносида ҳар кун
(кўшмадан ташқари) соат 9 дан 17 гача қабул қилинади.
Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Домбробод массиви, Га-
ҳар кўчаси, 124-ўй. (18-трамвайнинг охириги бекати, 16-трол-
лейбуснинг «Домбробод» бекати, 14, 24-автобустларнинг «2-
пояфзал фабрикаси» бекати) Телефонлар: 76-77-24, 76-61-93,
76-54-27.